

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.32/30.12.2019.Үн.74.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

НИЗАМЕДИНХОДЖАЕВ УЛУҒБЕК РУСЛАНОВИЧ

**ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШДА
ХАЛҚАРО ХАМКОРЛИК**

12.00.10 – Халқаро ҳуқуқ

**ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of doctor of Philosophy (PhD) dissertation

Низамединходжаев Улугбек Русланович

Жиноятчилик қарши курашишда халқаро ҳамкорлик.....3

Низамединходжаев Улугбек Русланович

Международное сотрудничество в области борьбы с преступностью25

Nizamedinkhodjaev Ulugbek Ruslanovich

International legal cooperation in the fight against crime.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.32/30.12.2019.Үн.74.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

НИЗАМЕДИНХОДЖАЕВ УЛУГБЕК РУСЛАНОВИЧ

**ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШДА
ХАЛҚАРО ХАМКОРЛИК**

12.00.10 – Халқаро ҳуқуқ

**ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Ү123 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Миллий гвардия Ҳарбий-техник институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Саидов Акмал Холматович
юримдик фанлар доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Тулаганов Абдуманноп Абдуҷаббарович
юримдик фанлар доктори, доцент

Умарханова Дилдора Шарипхановна
юримдик фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:


Ўзбекистон Республикаси
Бош Прокуратураси Академияси


Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти ҳузуридаги DSc.32/30.12.2019.Ү1.74.01 Илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил «12 12» соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (+99871) 230-32-82).


Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1981 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (+99871) 230-32-82.

Диссертация автореферати 2020 йил «5» 12 тарқатилди.
(2020 йил «5» 12 даги 13 рақамли реестр баённомаси).




М.Х. Рустамбаев
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, юримдик фанлар доктори, профессор


М.Т. Аҳмедова
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий қотиби, юримдик фанлар доктори, доцент


М.Б. Усмонов
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юримдик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда халқаро ҳамжамият олдида гиёҳванд моддалар контрабандаси, диний экстремизм ва терроризм, трансмиллий уюшган жиноятчилик, одам ва унинг аъзолари савдоси, коррупция ва жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ҳамкорлик соҳаларида давлатлараро алоқаларни ва муносабатларни ҳуқуқий жихатдан тартибга солиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро жиноий полиция ташкилоти ва минтақавий ташкилотлар доирасида жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорлик соҳада давлатлар ўртасида халқаро ҳамжихатликни, ички ва ташқи таҳдидларни аниқлаш ва уларнинг олдини олишни, суверенитет, ҳудудий яхлитлик, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, хавфсизликни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш мақсадида ўзаро манфаатли ҳамкорликни таъминлайди.

Жаҳонда жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлик фаолияти самарадорлигини ошириш, жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда кенг кўламда ҳамкорлик қилиш, давлатларнинг уюшган ва оғир жиноятчиликнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш салоҳиятини кучайтириш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этмоқда. Бу эса, ўз навбатида халқаро ҳамжамиятнинг жиноятчиликка қарши янада самарали тарзда курашиш ва ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг янги шаклларини ишлаб чиқишни, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари таъсирини янада ошириш бўйича илмий хулоса ва амалий таклифлар ишлаб чиқилишига эҳтиёжни келтириб чиқарди.

Мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашишда халқаро ҳамкорликнинг барча йўналишларида кенг қамровли тизимли тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ««жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш; диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш; коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш; аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш»¹ каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу эса, мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳуқуқ механизмларини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш зарурлигидан далолат беради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (1994), Жиноят кодекси (1994), Жиноят-процессуал кодекси (1994), «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги (2000), «Мудофаа тўғрисида»ги (2001), «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги (2004), «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги (2012), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014), «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги (2017), «Мудофаа доктринасини тасдиқлаш тўғрисида»ги (2018), «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида» (2019) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 июндаги 343-сон «Ўзбекистон Республикасида Интерполнинг миллий марказий бюросини фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни такомиллаштириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган, жумладан, жиноятчилик ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг айрим жиҳатлари мамлакатимиз олимларидан – А.Х.Саидов, Б.И.Исмоилов, Д.Ш.Умарханова, С.Р.Кахаров, Л.А.Саидова, М.М.Азимов ва бошқаларнинг илмий ишларида қисман ёритиб ўтилган.

Хорижий мамлакатларда халқаро-ҳуқуқий муносабатларнинг айрим жиҳатлари А.А.Синявский, Ю.Л.Беляева, Б.И.Нефедов; А.Н.Вылегжанин, А.Бекашев, И.И.Синякин, I.Bantekas, A.Roberts, P.Webb² ва бошқалар томонидан кўриб чиқилган. Жиноят-процессуал жиҳатларини эса, А.И.Клименко, Е.В.Охотский, R.Kolb, R.O'Keefe, F.Trauner каби олимлар илмий манба сифатида умумий маълумот беради.

Чет эллик олимлардан Е.Р.Воронин, А.Исполинов, А.Я.Капустин, М.Shaw, А.Weyembergh, F.Van der Vet каби олимлар масаланинг халқаро жиноят ҳуқуқи

² Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

нуқтаи назаридан ўрганган бўлиб, асосан давлатларнинг халқаро ҳамкорлиги, жинойтчиликка қарши курашишда халқаро ҳамкорликнинг минтақавий механизмини ҳамда мазкур соҳада инсон ҳуқуқларининг таъминланиши масалаларига кўпроқ тўхталиб ўтишган.

Юқоридаги илмий изланишлар таҳлили шуни кўрсатадики, халқаро жинойтчиликка қарши курашда халқаро институтлар тавсияларини ва бошқа давлатлар қонунчилигининг илғор жиҳатларини татбиқ этган ҳолда мамлакатимизда муаммонинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш ва такомиллаштириш имкониятлари комплекс тадқиқот иши сифатида амалга оширилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертациянинг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти илмий тадқиқот ишлар режасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси фаолиятини ташкилий, ҳарбий-ҳуқуқий такомиллаштиришнинг долзарб йўналишлари» (2017–2021 й.й.) номли илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жинойтчиликка қарши курашишда халқаро ҳамкорлик, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва халқаро ҳуқуқий нормаларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

жинойтчиликка қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорлик муносабатларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини таҳлил қилиш;

жинойтчиликка қарши кураш бўйича халқаро шартномаларнинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш ва аниқлаш;

жинойтчиликка қарши курашишда ҳамкорлик бўйича хорижий тажрибани қиёсий ҳуқуқий таҳлил қилиш ва энг илғор тажрибани аниқлаш;

жинойтчиликка қарши курашнинг халқаро механизмлар тавсифини таҳлил қилиш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

жинойтчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорликнинг ижобий тажрибасидан фойдаланиш бўйича илмий асосланган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

фавқулодда вазиятларда, алоҳида ҳолатларда ва терроризмга қарши операцияларда хавфсизликни таъминлашда Миллий гвардиянинг ҳамкорлик йўналишларини таҳлил қилиш;

жинойтчиликни олдини олиш ва жиноий одил судлов соҳасида халқаро ҳамкорликда халқаро ҳуқуқни самарали имплементация қилиш механизми юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини жинойтчиликка қарши кураш соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик тизими билан боғлиқ муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини жинойтчиликка қарши курашиш бўйича халқаро ҳамкорликни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, илмий-

назарий қарашлар, халқаро ташкилотларнинг жиноятчиликка қарши курашишда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш бўйича илғор тажрибасини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий билишнинг индукция, дедукция, кузатиш, умумлаштириш, формал-мантиқий, тарихий, тизимли ёндашув, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил каби усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

халқаро муносабатларнинг турли соҳаларидаги интеграциялашув жараёнларининг кучайиб бораётганлиги шароитида стратегик ҳамкор хорижий давлатларнинг жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорликка киришиши учун зарур бўлган қоидалари, пенетенциар тизимлари ва халқаро ҳамкорликни такомиллаштириш тамойиллари асослаб берилган;

жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ваколати асосланган;

жиноятчиликка қарши курашиш доирасида халқаро ҳамкорлик қилишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни ва дастлабки терговни амалга ошириш ваколатини белгилаш асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг фавқулодда ҳолат, алоҳида давр ва террорчиликка қарши операцияларда хавфсизликни таъминлашдаги ҳамкорлик йўналишлари белгиланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жамиятнинг муҳим ижтимоий-ҳуқуқий муаммоларидан бўлган жиноятчилик асослари ва уларга қарши курашишга йўналтирилган халқаро ҳамкорликни тартибга солувчи ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар асосланган;

жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорликни Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида қўлланилишини бўйича халқаро ҳамкорликнинг миллий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш бўйича таклифлар асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, халқаро тажриба ва миллий қонун ҳужжатларининг ўзаро таҳлил қилингани, таҳлил қилиш натижаларини умумлаштиришга асосланган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илгари суриладиган ғоялар Ўзбекистон Республикаси жиноятга қарши курашишда халқаро ҳамкорлик асосларини ва бу борадаги қонун ҳужжатларининг илмий-назарий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган хулоса, таклиф ва тавсиялардан «Халқаро ҳуқуқ», «Халқаро гуманитар ҳуқуқ», «Жиноят-процессуал ҳуқуқ», «Халқаро жиноят ҳуқуқи», «Ҳарбий ҳуқуқ» фанларидан дарсликлар, ўқув ва ўқув-услубий кўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.: Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик, уни тартибга солувчи миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорликка киришиш учун зарур бўлган қоидалар, пенитенциар тизимлар ва халқаро ҳамкорликни такомиллаштиришга доир концептуал ғоя ва таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий техник институтининг «Жазони ўташ режимини ташкил этиш (Юриспруденция)» мутахассислиги курсантлари учун «Жиноят ижроия ҳуқуқи» дарслиги (ХИХ-Боб. Хорижий давлатларнинг пенитенциар тизимлари)да ўз ифодасини топган (ЎзР ОЎМТВ нинг 2020 йил 30 июндаги 359-сон буйруғи). Натижада, ушбу мутахассислик бўйича таълим олаётган курсантларнинг, юриспруденция таълим йўналишидаги тингловчи ва талабалар, магистрант ва амалиёт ходимларининг билим, ўқув ва кўникмаларининг шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилган;

жиноятчиликка қарши курашиш борасида халқаро ҳамкорлик йўналишларида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш ваколатига оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майдаги ЎРҚ-542-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг 32-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сон «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни 9-моддаси биринчи қисми тўртинчи хатбошисида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2020 йил 24 июндаги №06/1-05/1722 вх-сонли далолатномаси). Ушбу таклифлар коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатларини белгилашга оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майдаги ЎРҚ-542-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг 32-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сон «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни 11-моддаси биринчи қисми учинчи хатбошисида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2020 йил 24 июндаги №06/1-05/1722 вх-сонли далолатномаси). Ушбу таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида

коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ҳалқаро ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг фаолият йўналишларини белгилашга оид таклифлар «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тизмида халқаро ҳамкорликни ташкил этиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик Йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи асосида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тизмида халқаро ҳамкорликни ташкил этиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик Йўриқнома»нинг 1-боби 3-бандида ва 7-иловасини ишлаб чиқишда ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг 2020 йил 2 июндаги 2290-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар жиноятчиликка қарши курашишда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тизимида халқаро ҳамкорликни ташкил этиш тартибини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 2 та республика ва 3 та хорижий илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та илмий мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асослантилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи таҳлил қилинган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси берилган. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асосланган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жиноятчиликка қарши курашиш ва жиноий одил судловнинг халқаро ҳуқуқий асосларининг умумий тавсифи**» деб номланган биринчи бобида халқаро тусдаги жиноятлар тавсифи таҳлил қилинган ва белгиланган, комплекс тарзда жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро шартномаларнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган, шунингдек, ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш концепциясини жиноятчиликка қарши халқаро курашда қўллаш зарур бўлган инсон ҳуқуқлари бўйича энг муҳим тамойил сифатида илгари сурилган.

Диссертант томонидан халқаро жиноят ҳуқуқидаги «**жиноят**» ва жиноят таркиби тушунчаларига берилган таърифлар таҳлил қилинган. Унинг фикрига

кўра, «жиноят» тушунчаси халқаро манбаларда бевосита кўрсатилмаган бўлса, бундай деб ҳисобланиши мумкин эмас. Бундан ташқари, қонун ишлаши учун қонунчиликда қилмишнинг жазога сазоворлиги белгиланиши керак. Айбнинг аломатлари Рим Уставининг 30-моддасида келтирилган, унга мувофиқ айбдор деб топиш учун қасд бўлиши ва онгли тарзда ҳаракат қилиш зарур. Жумладан, диссертантнинг наздида, агар айрим олимларнинг фикрига кўра, халқаро жиноятнинг таркиби халқаро ҳуқуқ нормаларида белгиланган, қилмишни жиноий деб белгилайдиган объектив ва субъектив белгилар мажмуи бўла туриб, қуйидагилар: объект, объектив томон, субъект ва субъектив томондан иборат бўлса, шу билан бирга, мамлакатлар ички қонунчилигида жиноят таркибининг зарурий элементи объект ҳисобланадиган бўлса, ушбу қоида халқаро ҳуқуққа ҳам тегишли бўлиши керак, бунда жиноят объекти – жиноят таркибининг энг муҳим элементи бўлиб, у бўлмаган ҳолда ҳуқуқбузарлик мавжудлигининг ўзи ҳақида гапириш мумкин эмас. Жумладан, халқаро жиноятлар объекти халқаро тинчлик ва хавфсизлик, шунингдек, бутун инсониятнинг манфаатларидир.

Шунингдек, ушбу бобда халқаро жиноятчиликнинг моҳияти ва халқаро ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий жиҳатлари ўрганилиб, ушбу соҳани ривожининг қисқача тарихий шарҳи берилган ва диссертант томонидан жиноий ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг халқаро механизмлари тараққиётининг хронологияси ишлаб чиқилган.

Диссертант томонидан шунингдек жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро шартномалари таҳлил қилинган ва айрим хусусиятлари аниқланган. Аввало, жиноятчиликка қарши халқаро кураш уларнинг халқаро миқёсда тарихан шаклланган мулоқот этишнинг асосий ёки умумий тамойиллари ягона базасида ривожланаётганлиги таъкидланган. Ушбу тамойиллар норматив равишда иккита катта ҳужжатлар гуруҳида кўрсатилган:

- жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг умумий тамойиллари ва векторларини шакллантирувчи халқаро пактлар, келишувлар ва конвенциялар. Уларнинг ичида Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) томонидан қабул қилинган ҳужжатлар алоҳида ўринга эга.

- давлатларнинг жиноятчиликка қарши биргаликда курашиш сиёсати ва амалиётини шакллантирувчи шартномалар.

Таҳлил натижасида жиноятчиликка қарши кураш бўйича кўп томонлама шартномаларнинг аксариятида, улардаги қайд этилган ҳуқуқбузарликлар, улар қайси давлат ҳудудида содир этилган бўлса, ушбу давлат юрисдикцияси, ёки ушбу давлатда рўйхатдан ўтган кема ёки самолёт бортида содир этилган бўлса, ёки тахмин қилинаётган ҳуқуқбузар ушбу давлат фуқароси бўлса, шу давлат юрисдикциясига тегишли ҳисобланади. Шунингдек, кўплаб конвенцияларда ҳудудида жиноят содир этган деб топилган давлат юрисдикцияси ҳам назарда тутилади.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда халқаро жиноятчиликка қарши кураш амалиёти тўлиқ шаклланиб улгурган, деб айтиш мумкин эмас – аксинча, у бир қатор иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тенденциялар таъсири остида ривожланмоқда. Шунга мос равишда, шартномалар ва миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда ушбу жиҳатлар ҳисобга олиниши керак.

БМТ томонидан жиноятчиликни олдини олиш ва жиноят одил судлови бўйича ишлаб чиқилган ҳужжатлар халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаи сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига асосланиб, БМТ Устав фаолиятининг ижтимоий тараққиёт ва ривожланиш шарт-шароитларини рағбатлантириш, инсон ҳуқуқларига умумий эътироф қилиш ва риоя этишга кўмаклашиш бўйича устувор йўналишининг энг муҳим натижаси деб ҳисобланиши таъкидланади.

Материални ўрганиш натижасида аниқанишича, материаллар аксарияти БМТнинг бош органлари резолюциялари билан маъқулланган ва тавсиявий тусга эга. Аммо шуни таъкидлаш керакки, БМТ конгресслари материалларининг айрим шакллари халқаро шартномаларга киритилади ёки халқаро одат ҳуқуқи нормалари таркибига киради, яъни унинг унификация этилишига кўмак беради.

Диссертант, қайд этилган унификациялаштириш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳуқуқи истисно эмас, деб ҳисоблайди. Ўзбекистон Республикаси томонидан БМТнинг терроризмга, трансмиллий уюшган жиноятчиликка, гиёҳванд моддалар ноқонуний муомаласига, коррупцияга қарши курашишга қаратилган конвенциялари имзоланиши ва ратификация қилиниши, ва кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилиги трансформацияси фактлари, шак-шубҳасиз БМТ конгресслари ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикасининг жинойий одил судлов соҳасидаги қонунчилигига таъсир этишидан далолат беради.

Диссертациянинг ушбу бобида диссертант томонидан жиноятчиликка қарши курашишда ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш концепциясининг инсон ҳуқуқларининг энг муҳим принципи сифатида роли ва ҳуқуқ устуворлигини тартибга солувчи нормаларни Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигига имплементация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Шундай халқаро ҳужжатларга асосланиб, Бош ассамблеянинг миллий ва халқаро миқёсда ҳуқуқ устуворлиги тўғрисидаги масала бўйича юқори даражадаги йиғилиш декларацияси, шу жумладан инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқ устуворлиги ва демократия ўзаро чамбарчас боғлиқ ва бир-бирини қўллаб-қувватлаши ҳамда улар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг универсал ва ажралмас асосий кадриятлари ва тамойилларига тегишли эканлиги ҳақидаги қоида, БМТнинг 2017 йил 7 декабрдаги 72/119-сонли «Миллий ва халқаро миқёсда ҳуқуқ устуворлиги» резолюцияси, 2017 йил 19 декабрдаги 72/196-сонли «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жиноятчиликни олдини олиш ва жинойий одил судлов, хусусан унинг техник ҳамкорлик соҳасидаги салоҳияти кучайтириш дастури» резолюцияси, шунингдек, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашнинг 2004 йил 21 июлдаги 2004/25-сонли, 2005 йил 22 июлдаги 2005/21-сонли ва 2006 йил 27 июлдаги 2006/25-сонли қонунийликни мустаҳкамлаш ва жинойий одил судлов институтларини ислоҳ қилиш тўғрисида резолюциялари, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жиноятчиликни олдини олиш ва жинойий одил судлов соҳасида, шу жумладан можародан кейин қайта тиклаш шароитларида техник ҳамкорлик кўрсатиш бўйича дастури тадбирлари, 2012 йил 20 декабрдаги «Ҳуқуқ устуворлигини мустаҳкамлаш ва жинойий одил судлов

институтларини, айниқса Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг уюшган жиноятчилик ва гиёҳванд моддалар ноқонуний муомаласига қарши курашиш бўйича тизимли ёндашуви билан боғлиқ соҳаларда ислоҳ қилиш» номли 67/186-сонли резолюцияси, ва унинг 2013 йил 18 декабрдаги «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кун тартибида 2015 йилдан кейинги давр тараққиётида ҳуқуқ устуворлиги, жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий одил судлов масалалари» номли 68/188 сонли резолюцияси, 2015 йил 25 сентябрдаги «Бизнинг дунёни ўзгартириш: 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасида кун тартиби» номли 70/1-сонли резолюцияси, у ерда барқарор ривожланиш манфаатида тинч ва очиқ жамиятларни барпо этишга кўмаклашиш, барча учун одил судловдан фойдаланишни таъминлаш, ҳамда самарали, ҳисобдор ва кенга иштирокка асосланган институтларни яратиш мажбурияти мустаҳкамланган эканини қайд этиб, диссертант шундай хулосага келадики, ҳуқуқ устуворлиги ва тараққиёт бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва ўзаро бир-бирини кучайтиради, ҳуқуқ устуворлигини миллий ва халқаро миқёсда, шу жумладан, жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий одил судлов механизмлари ёрдамида мустаҳкамлаш, изчил ва кенг қамровли иқтисодий ўсиш ва барқарор ривожланиш, шунингдек, барча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тўлиқ амалга ошириш учун жуда муҳимдир. Диссертантнинг таъкидлашича, миллий ва халқаро миқёсда ҳуқуқ устуворлигини, шунингдек одиллик ва адолатли бошқарувни мустаҳкамлаш ва уларга риоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш бўйича халқаро ҳамкорлик фаолиятида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши шарт. Шунга кўра, ушбу соҳага доир қонун ҳужжатлари ва раҳбарий директиваларни ишлаб чиқишда ушбу ҳуқуқ устуворлиги бўйича нормаларни киритиш муҳим ҳисобланади.

Диссертантнинг фикрига кўра, жиноий одил судлов соҳасидаги ҳуқуқий тартибга солиш ҳолатини мукамал деб бўлмайди. Жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги миллий қонунчиликни, аввало, БМТ универсал стандартларига мувофиқ унификациялаштириш ишини давом эттириш зарур. Шу муносабат билан, БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича тажрибасини, хорижий мамлакатларнинг энг яхши тажрибасини ҳамда давлатларнинг жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлигининг замонавий тенденцияларини ҳисобга олиш зарур, улар шуни кўрсатадики, халқаро тусдаги жиноятлар билан муваффақиятли курашишнинг энг муҳим шарти жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдамни амалга ошириш, шу жумладан жиноят содир этган шахсларни экстрадиция қилиш ҳисобланади.

Диссертациянинг **«Жиноятчиликка қарши курашишда халқаро механизмлар тавсифи»** деб номланган иккинчи бобида БМТ тизимидаги жиноятчиликка қарши курашнинг универсал механизмлари тизимли равишда ўрганилиб, таҳлил қилинди, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ҳуқуқий табиати аниқланди. Шу билан бирга, жиноятчиликка қарши курашда минтақавий халқаро ташкилотларнинг моҳияти ўрганилган, халқаро ташкилотлар тизимлаштирилган, Интерпол жиноятчиликка қарши курашда энг муҳим бўғини сифатида кўрилади.

Ушбу бобда БМТ шаъфелигида жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ташкилий ва халқаро ҳамкорлик кўриб чиқилади. БМТ Устави 1-моддасига

кўра, ушбу ташкилот бошқа вазифалари қаторида давлатларнинг халқаро ҳамкорлигини таъминлашга мўлжаллаган. БМТ Уставининг 10-бобига мувофиқ ушбу вазифани рўёбга чиқариш БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашига юкланади. Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш бўйича ишлар субъектлари қаторида БМТ ҳузурида маслаҳатчи мақомга эга бўлган нодавлат ташкилотлар ва Интерпол эътиборга лойиқ.

Ҳозирги пайтда БМТ ва бошқа халқаро ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлар жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича самарали халқаро ҳамкорликни ташкил этиш ва амалга ошириш учун кенг саъй-ҳаракатларни амалга оширишмоқдалар. Улар улкан маълумотлар банклари, норматив материал, криминалистик ва жиноят-ҳуқуқий, жиноят-сиёсий тадқиқотлар маълумотларига эга бўлиб, ҳар бир мамлакат томонидан миллий ва трансмиллий жиноятчиликка қарши самарали курашишда фойдаланиши мумкин.

Бироқ, ушбу ташкилотлар фаолияти кўплаб нормалар орқали жуда қатъий тартибга солинган бўлиб, улар самарали ижро этилишини талаб қилади.

Шунингдек, жиноятчиликка қарши халқаро курашни тартибга солувчи норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ва ратификация қилиш, аксарият ҳолларда маълум давлатнинг суверен иши эканлиги сабабли, шунга мос равишда ушбу ташкилотларнинг барчаси ўз имкониятлари ва воситаларида чекланганлиги ва ҳар доим ҳам самарали фаолият юритиши мумкин эмаслиги аниқланган. Бундан ташқари, ушбу ташкилотлар муайян давлатларга – давлатлар уларни молиялаштиришда иштирок этиши ёки улар маълум бир давлат худудида жойлашгани сабабли боғлиқ бўлиши мумкин.

Диссертант томонидан аниқланишича, ҳозирги кунга келиб, жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорлик уч миқёсда амалга оширилмоқда:

- давлатларнинг кўп томонлама битимлар (шартномалар) доирасида ҳамкорлиги. Алоҳида турдаги жиноятларга қарши биргаликда курашиш бўйича кўп томонлама битимларнинг (шартномаларнинг) асосий мазмуни тарафларнинг ушбу қилмишларни ўз худудларида жиноий деб тан олиши ва улар учун жазоланиш муқаррарлигини таъминлашдан иборат;

- икки томонлама миқёсдаги ҳамкорлик жиноят ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, жиноятчиларни экстрадиция қилиш, маҳкумларни фуқаролиги бўйича ўз давлатида жазони ўташ учун жўнатиш каби усулларда ифодаланади;

- минтақавий ҳамкорлик ушбу мамлакатлар манфаатлари ва ўзаро муносабатлари табиати билан изоҳланади (масалан, МДҲга аъзо давлатлар).

Диссертант томонидан жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий одил судлов бўйича комиссиянинг фаолияти ҳам ўрганилган ва 2030 йилга қадар барқарор ривожланиш кун тартибини амалга оширишга кўмаклашишда Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий одил судлов бўйича комиссиянинг ролини кучайтириш зарурлиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Жиноятчиликка қарши курашиш бўйича халқаро ҳамкорликни такомиллаштириш йўналишлари**» деб номланган **учинчи бобида** Европа Иттифоқи, АҚШ, Япония, Россия Федерацияси ва бошқа мамлакатларнинг жиноятчиликка қарши курашиш бўйича халқаро ҳамкорлик соҳасидаги хорижий тажрибалари комплекс равишда ўрганилган ва қиёсий ҳуқуқий таҳлил этилган. Ишда халқаро ҳамкорлик соҳасидаги ҳуқуқий

бўшлиқлар ўрганилиб, аниқланган ва тегишли халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига имплементация қилиш механизми таклиф қилинган. Бундан ташқари, фавқулодда вазиятларда, алоҳида ҳолатда ва терроризмга қарши операциялар чоғида хавфсизликни таъминлаш масалаларида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг иштирок этиши механизми ва ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган.

Диссертант томонидан пенитенциар тизимлар ва халқаро ҳамкорлик муаммолари ўрганиб чиқилди, тўлдириш ва такомиллаштиришни талаб қилувчи мавжуд ҳуқуқий ва функционал муаммолар аниқланди.

Диссертант, халқаро пенитенциар ҳуқуқ «судланганларнинг ҳуқуқий мақомини тартибга солувчи, турли хил жазо турларини ижро этишининг халқаро стандартлари ва қоидаларини белгиловчи, шунингдек пенитенциар соҳадаги халқаро ҳамкорлик масалаларини тартибга солувчи тамойиллар ва нормалар мажмуи» сифатида келтирилиши мумкинлигини таъкидлайди.

Диссертантнинг фикрича, халқаро пенитенциар ҳуқуқ нормаларининг пайдо бўлиши муқаррар равишда, ушбу соҳада тўпланган стандартларни инсонпарварлик қадриятлари ва прагматик қарашларнинг тадрижий ривожланиши жараёнида сақлаб қолиш учун, уларга жуда қатъий риоя қилиш зарурлигини келтириб чиқаради. Методологик нуқтаи назардан, халқаро жиноят-ижроия ҳуқуқи нормаларига риоя қилишнинг аҳамияти ушбу кичик соҳанинг халқаро жиноят ҳуқуқига органик равишда сингиб кетганлиги билан изоҳланади, унинг ривожланиш истикболли йўналишларидан бири «халқаро суд органлари ва миллий органлар томонидан қўлланиладиган халқаро жиноий одил судловни амалга ошириш жараёнида лозим ҳуқуқий тартибот-таомилларга оид нормаларни мувофиқлаштириш»дан иборат.

Диссертант ўрганишларга асосланиб, миллий жиноят-ижроия тизимининг маълум муаммоларини ҳал қилишда пенитенциар халқаро стандартларнинг ролини баҳолаш, инсон ҳуқуқларини умуминсоний қадрият сифатида устуворлигини намоиш этади, зарур мазмуний мўлжалларни ишлаб чиқиш ва маҳкумларга нисбатан тарихий синовдан ўтган муомала шаклларини мустаҳкамлашга имкон беради, деган хулосага келади. Ушбу концептуал тезисни қабул қилмасдан туриб, Ўзбекистон пенитенциар тизими зарур мазмуний мўлжалларни ишлаб чиқиш ва маҳкумларга нисбатан тарихий синовдан ўтган муомала шаклларисиз, чет эл ва халқаро ҳуқуқий стандартлар ва қоидаларни кўр-кўрона кўчириш билан чекланиб қолиши хавфи мавжуд. Пенитенциар тизимни ислоҳ қилиш ва жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштиришнинг муваффақияти кўп жиҳатдан миллий юридик фаннинг хорижий ва халқаро пенитенциар ҳуқуқ илм-фанининг илғор ютуқларини ижобий ўрганиш ва уларни бизнинг юридик фанимиз маданий-ҳуқуқий қадриятлари ва анъаналари билан бойитишга тайёр эканлигига боғлиқ.

Натижада диссертант томонидан жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш учун зарур бўлган қоидалар таклиф қилинган, пенитенциар тизимлар ва халқаро ҳамкорликни такомиллаштиришга оид концептуал ғоялар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Диссертант томонидан шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги халқаро

ҳамкорлик йўналишларида коррупцияга қарши курашиш соҳасига оид фаолиятни мувофиқлаштириш ишлари ўрганилган. Ўзбекистонда маъмурий суд юрисдикциясининг ривожланиши, аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизимини яратилиши, Омбудсман институтини кучайиб бориши билан прокурорларнинг назорат ваколатларидан воз кечиш ёки имкон қадар торайтириб, фақатгина судга қадар тергов ва жазоларни ижро этиш соҳасида сақлаб қолиш зарурлиги қайд этилган. Шунингдек, прокуратурага хос бўлмаган функцияларни унинг ваколатидан чиқариб, тегишли ваколатларни ижро этувчи ҳокимият органларига ўтказишни давом эттириш лозим.

Диссертант томонидан, мос раишда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасига оид фаолиятни мувофиқлаштириш ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш мақсадида, жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик йўналишларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича ваколатларига доир таклифлар ишлаб чиқди.

Ушбу бобда, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ваколатларини тартибга солувчи қонунчилик базаси таҳлил қилинган. Натижада диссертант томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ваколатларини белгилашга оид таклифлар ишлаб чиқилди. Бу таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ўз ваколати доирасида коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг вазифалари ва фаолияти тамойиллари таҳлил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг фавқулодда ҳолат, алоҳида давр ва террорчиликка қарши операцияларда хавфсизликни таъминлашдаги ҳамкорлик йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

ХУЛОСА

Диссертацияда жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик масалаларини комплекс равишда ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқилди:

Жиноятчиликка қарши курашиш ва жиноий одил судлов халқаро-ҳуқуқий асосларининг умумий тавсифи доирасида:

1. Агар халқаро жиноятнинг таркиби халқаро ҳуқуқ нормаларида белгиланган, қилмишни жиноий деб белгилайдиган объектив ва субъектив белгилар мажмуи бўла туриб, қуйидагилар: объект, объектив томон, субъект ва субъектив томондан иборат бўлса, шу билан бирга, мамлакатлар ички қонунчилигида жиноят таркибининг зарурий элементи объект ҳисобланадиган бўлса, ушбу қоида халқаро ҳуқуққа ҳам тегишли бўлиши керак, бунда жиноят объекти – жиноят таркибининг энг муҳим элементи бўлиб, у бўлмаган ҳолда ҳуқуқбузарлик мавжудлигининг ўзи ҳақида гапириш мумкин эмас. Жумладан, халқаро жиноятлар объекти халқаро тинчлик ва хавфсизлик, шунингдек, бутун инсониятнинг манфаатларидир.

2. Аниқланишича, жиноятчиликка қарши халқаро кураш уларнинг халқаро миқёсда тарихан шаклланган мулоқот этишнинг асосий ёки умумий тамойиллари ягона базасида ривожланади. Ушбу тамойиллар норматив равишда иккита катта ҳужжатлар гуруҳига бўлинган:

- жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг умумий тамойиллари ва векторларини шакллантирувчи халқаро пактлар, келишувлар ва конвенциялар. Уларнинг ичида БМТ томонидан қабул қилинган ҳужжатлар алоҳида ўринга эга.

- давлатларнинг жиноятчиликка қарши биргаликда курашиш сиёсати ва амалиётини шакллантирувчи шартномалар

3. Жиноятчиликка қарши кураш бўйича кўп томонлама шартномаларнинг аксариятида, улардаги қайд этилган ҳуқуқбузарликлар, улар қайси давлат ҳудудида содир этилган бўлса, ушбу давлат юрисдикцияси, ёки ушбу давлатда рўйхатдан ўтган кема ёки самолёт бортида содир этилган бўлса, ёки тахмин қилинаётган ҳуқуқбузар ушбу давлат фуқароси бўлса, шу давлат юрисдикциясига тегишли эканлиги аниқланган.

4. Миллий ва халқаро миқёсда ҳуқуқ устуворлигини, шунингдек одиллик ва адолатли бошқарувни мустаҳкамлаш ва уларга риоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш бўйича халқаро ҳамкорлик фаолиятида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши шартлиги белгиланади. Шунга кўра, ушбу соҳага доир қонун ҳужжатлари ва раҳбарий директиваларни ишлаб чиқишда ушбу ҳуқуқ устуворлиги бўйича нормаларни киритиш муҳим ҳисобланади.

5. Таҳлил натижасида диссертант ҳуқуқ устуворлигини мустаҳкамлашга қаратилган чоралар, халқаро ҳамкорликка тўсиқ сифатида тавсифланмаслиги лозим деган хулосага келади. Мамлакатнинг ҳуқуқ устуворлигини ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сақлаб туришга содиқлик музокара ёки жиноятчиликка қарши халқаро ҳамкорликда бирон бир имтиёз учун савдолашиш предмети бўлмаслиги керак. Амалиётда ҳуқуқ устуворлигига содиқлик жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаши мумкин. Ҳуқуқ устуворлигини кучайтириш ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормаларга риоя этиш бўйича чоралар ҳам ўзаро ёрдам ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш билан бевосита боғлиқдир. Экстрадиция, ўзаро ҳуқуқий ёрдам ёки қўшма терговларга жалб этилган идоралар ва муассасалар ҳамкорлик мақсадида амалга оширилаётган барча ҳаракатларда қонунийликни таъминлаш бўйича мажбуриятни сақлаб қоладилар.

6. Аниқланишича, жинойий одил судлов соҳасидаги ҳуқуқий тартибга солиш ҳолатини мукамал деб бўлмайди. Жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги миллий қонунчиликни, аввало, БМТ универсал стандартларига мувофиқ унификациялаштириш ишини давом эттириш зарур. Шу муносабат билан, БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича тажрибасини, хорижий мамлакатларнинг энг яхши тажрибасини ҳамда давлатларнинг жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлигининг замонавий тенденцияларини ҳисобга олиш зарур, улар шуни кўрсатадики, халқаро тусдаги жиноятлар билан муваффақиятли курашишнинг энг муҳим шартин жинойий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдамни амалга ошириш, шу жумладан жиноят содир этган шахсларни экстрадиция қилиш ҳисобланади.

7. Жиноятчиликка қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий негизини шакллантиришда аллақачон аниқланган жиноий тажовузларнинг у ёки бу шаклларига муносабат билдиришга асосланган ёндашув устун эканлиги аниқланди. Барча ҳолатларни ҳамда янги турдаги жиноятлар (масалан, кибертерроризм) пайдо бўлаётганини ҳисобга олган ҳолда, эътибор фақатгина жиноий репрессиядан ушбу турдаги жиноятларга қарши кураш чораларининг кенг кўламига қаратилиши керак, бу муаммони ҳал қилишнинг самаралироқ усулидир, бунга мисол тариқасида, ушбу соҳадаги сўнгги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва пулларни ювишга қарши курашиш бўйича халқаро комиссия (ФАТФ) фаолиятини кўрсатиш мумкин.

8. Жиноятчиликка қарши курашда давлатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарурати турли давлатларнинг жиноят ҳуқуқи ва жиноят-процессуал тизимларини халқаролаштиришни, уларнинг ўзаро ва халқаро ҳуқуқ билан алоқа қилишини қатъий талаб қилади.

Жиноятчиликка қарши курашнинг халқаро механизмлари тавсифи доирасида:

1. Жиноятчиликка қарши курашнинг халқаро механизмлари остида халқаро жиноят ҳуқуқи соҳасидаги давлатлараро ҳамкорликнинг институционал шакллари тушунилиши тасдиқланган. Институционал шакллар давлатлар томонидан халқаро жиноятлар ва халқаро тусдаги жиноятларга қарши курашишда умумий муаммоларни ҳал қилиш учун ташкил этилган турли халқаро ташкилотларнинг фаолиятини назарда тутди.

2. Тадқиқот натижасида аниқланишича, ҳозирги пайтда БМТ ва бошқа халқаро ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлар жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича самарали халқаро ҳамкорликни ташкил этиш ва амалга ошириш учун кенг саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқдалар. Улар улкан маълумотлар банклари, норматив материал, криминалистик ва жиноят-ҳуқуқий, жиноят-сиёсий тадқиқотлар маълумотларига эга бўлиб, ҳар бир мамлакат томонидан миллий ва трансмиллий жиноятчиликка қарши самарали курашишда фойдаланиши мумкин.

3. Ушбу соҳадаги энг нуфузли халқаро механизмларга БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий одил судлов бўйича комиссияси, БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича Конгресслари, БМТнинг Гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, Халқаро жиноий полиция ташкилоти (Интерпол) ва бошқалар эканлиги аниқланди.

4. БМТ доирасида жиноятчиликка қарши халқаро кураш 1991 йилда Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш дастурига мувофиқ олиб борилиши аниқланди. Дастурнинг вазифаси жаҳон ҳамжамиятининг жиноий шаклларни олдини олиш ва одил судловнинг долзарб эҳтиёжларини қондиришга ёрдам беришдир. Дастурнинг мақсадлари куйидагилардан иборат: жиноятчиликка қарши кураш, давлатларнинг жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, жиноий одил судловни янада самарали амалга ошириш, адолат, инсонпарварлик, одил судлов ва касбий хулқ-атворнинг энг юқори стандартларига риоя этилишига кўмаклашиш. Дастурга мувофиқ Бирлашган

Миллатлар Ташкилотининг Жиноятчиликни олдини олиш ва жиноий одил судлов бўйича комиссияси тузилди (аслида 1992 йилда иш бошлаган), унга 1950 йилда ташкил этилган Жиноятчиликни олдини олиш ва унга қарши курашиш кўмитасининг вазифалари ўтган.

5. Диссертант томонидан аниқланишича, ҳозирги кунга келиб, жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорлик уч миқёсда амалга оширилмоқда:

- давлатларнинг кўп томонлама битимлар (шартномалар) доирасида ҳамкорлиги. Алоҳида турдаги жиноятларга қарши биргаликда курашиш бўйича кўп томонлама битимларнинг (шартномаларнинг) асосий мазмуни тарафларнинг ушбу қилмишларни ўз худудларида жиноий деб тан олиши ва улар учун жазоланиш муқаррарлигини таъминлашдан иборат;

- икки томонлама миқёсдаги ҳамкорлик жиноят ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, жиноятчиларни экстрадиция қилиш, маҳкумларни фуқаролиги бўйича ўз давлатида жазони ўташ учун жўнатиш каби усулларда ифодаланади;

- минтақавий ҳамкорлик ушбу мамлакатлар манфаатлари ва ўзаро муносабатлари табиати билан изоҳланади (масалан, МДҲга аъзо давлатлар).

6. 2030 йилга қадар барқарор ривожланиш кун тартибини амалга оширишга кўмаклашишда Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий одил судлов бўйича комиссиянинг ролини кучайтириш зарурлиги аниқланди.

7. Жиноятчиликни олдини олиш ва жиноий одил судлов соҳасидаги халқаро ҳамкорликда минтақавий каби муҳим жиҳатни ҳисобга олмаслик мумкин эмаслиги аниқланди. Кўп томонлама асосда жиноятчиликка қарши курашиш бўйича бир қатор минтақавий тадбирлар ишлаб чиқилган, аммо кўп миллатли ва минтақавий келишувларнинг бирортаси ҳанузгача жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорликнинг барчани қамраб олган тизимга бирлашмаган.

8. Кўп томонлама интеграл ёндашувнинг мавжуд эмаслиги жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг янги воситаларини, масалан, қонунларнинг ижро этилиши бўйича қўшма тадқиқотлар ва маълумотлар алмашинувини кенгайтириш, халқаро молиявий операциялар устидан назорат, минтақавий ҳуқуқий маконни кенгайтириш кабиларни ишлаб чиқишга имкон бермаслиги, оқибатда ушбу соҳадаги жаҳон ҳамжамияти саъй-ҳаракатлари самарадорлигини сусайтириши аниқланди. Шу муносабат билан мувофиқлаштириш ёндашуви самарали бўлиб, унда асосий урғу унификацияга эмас, балки турли хил тизимларни уйғунлаштиришга берилади. Албатта, миллий ҳуқуқий тизимларнинг айрим хусусиятларини ҳисобга олиш, улар халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва нормаларига зид бўлмаслиги шарт билан йўл қўйилади.

Жиноятчиликка қарши курашиш бўйича халқаро ҳамкорликни такомиллаштириш йўналиши доирасида:

1. Ҳар қандай алоҳида мамлакатнинг ушбу янги хавф-хатарларга қарши самарали курашиш салоҳияти заифлиги жиноий одил судлов соҳасидаги ҳамкорлик халқаро режимининг умумий заифлигига айланиб кетиши очиб берилди.

